

Date: 1st April-2026

**ЕРГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ
ҲОЛАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ПРОКУРОР НАЗОРАТ ҲУЖЖАТЛАРИНИ
ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ**

Сулаймонов Зиёвуддин Махбубович

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти

Email: SuLaymanovZiyovuddin0101@gmail.com

Ер муносабатлари соҳасида қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш давлатнинг стратегик вазифаларидан бири ҳисобланади. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ер участкаларини ажратиш, тоифасини ўзгартириш, ижарага бериш ёки хусусийлаштириш жараёнларида қонунбузилиш ҳолатлари учраб турибди. Бундай ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишда прокурор назорати муҳим институционал механизм сифатида намоён бўлади. Прокурор томонидан киритиладиган тақдимнома, протест, огоҳлантириш ва даъво аризаси каби назорат ҳужжатлари қонунийликни тиклаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Протест - қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади.

Протест шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ноқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Қарор – прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонунбузилишнинг ҳолатига қараб, жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида қарорлар киради.

Тақдимнома - прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши шарт.

Тақдимнома жамоавий орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этади.

Ариза – прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб, прокурор судга ариза билан мурожаат қилади.

Прокурорнинг аризаси суд томонидан белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.



Date: 1st April-2026

Огоҳлантирув - прокурор фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги хусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огоҳлантиради ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушунтиради.

Огоҳлантирув тўғрисида прокурор юқори турувчи органга (*мансабдор шахсга*), шунингдек огоҳлантирув эълон қилинган шахснинг иш, ўқиш жойи бўйича иш берувчига (*маъмуриятга*) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилишга ҳақли.

Ю.К. Толстой прокурор иштирокини фуқаролик суд ишларини юритишда жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, прокурорнинг процессуал ҳужжатлари қонунийликни тиклашнинг самарали институционал шакли ҳисобланади.¹⁰

Суханов прокурорнинг судга даъво киритиш ваколатини мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг мустақил кафолати сифатида қўради. Унинг таъкидлашича, прокурор даъвоси жамоат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган процессуал шакл бўлиб, у ноқонуний қарорларни бекор қилиш орқали ҳуқуқий ҳолатни тиклайди.¹¹

Ер ва ерга оид муносабатларида қонунчилик талаблари бузилган тақдирда прокурор томонидан қонунбузилишнинг олдини олиш бўйича прокурор назорати ҳужжатларини қўллайдди.

Ўзбекистонда ер ресурси - давлат мулки ҳисобланадиган, миллий бойлик сифатида ҳуқуқий муҳофаза остида турган стратегик аҳамиятга эга объектдир. 2024–2025 йилларда қабул қилинган янги ислохотлар, жумладан Ер кодексига киритилган ўзгартишлар¹², ердан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ер ҳужжатларининг очиклигини таъминлаш, давлат кадастрини рақамлаштириш, ерлардан норасмий фойдаланишни олдини олиш ҳамда ерларни ажратишда шаффофликни кучайтиришни қатъий белгилаб берди. Мазкур ислохотларнинг тўлиқ амал оширилишида прокуратура органларининг назорат фаолияти алоҳида ўрин тутди.

¹⁰ Толстой Ю.К. *Гражданский процесс*. – Москва, 2012.

¹¹ Суханов Е.А. *Гражданское право*. – Москва: Волтерс Клувер, 2014.

¹² <https://lex.uz/uz/docs/5580329?ONDATE=17.08.2021%2000#5585444> Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси қуйидаги 91¹-модда билан тўлдирилсин. «91¹-модда. Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш оқибатлари, яъни ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасига, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкасида барпо этилган ҳар қандай бино ва иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқини ёки бошқа мулк ҳуқуқларни белгилашга йўл қўйилмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, қурилиш учун ажратилмаган ер участкасида қонунга хилоф қурилиш объектини барпо этган шахслар инсофли мулкдор деб тан олинмайди.

Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларидаги қонунга хилоф қурилиш объектларини сув таъминоти, оқова сув, электр, иссиқлик энергияси ва газ тармоқларига улаш тақиқланади».



Date: 1st April-2026

Прокурор ер муносабатларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, ердан фойдаланишда қонунийликни тиклаш ва мансабдор шахслар жавобгарлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий таъсир чораларини қўллайди. Ерга оид ҳуқуқбузарликлар сўнгги йилларда турли кўринишларда намоён бўлаётган бўлиб, уларнинг аксарияти давлат ерларини ноқонуний эгаллаб олиш, ер участкаларини ажратишда қонунбузарликлар, кадастр ҳужжатларининг сохталаштирилиши, ердан мақсадсиз фойдаланиш, фермер ва кластерлар зиммасидаги шартномавий мажбуриятларни бажармаслик, ерларни ноқонуний эгаллаб олиш каби ҳолатларда ифодаланмоқда. Янги қонунчиликка мувофиқ, ердан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлашда рақамли кадастр маълумотлари, сунъий йўлдош мониторинги, “Е-ер” ва “Е-кадастр” ахборот тизимлари, шунингдек прокурорлик текширувларининг рақамлашган шакли кенг қўлланилмоқда. Прокуратура томонидан ер ресурсларини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишларнинг ҳуқуқий асосини, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси¹³, янги таҳрирдаги Ер кодекси, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун, “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги Қонун, ер ресурслари ва геодезия соҳасидаги Президент фармонлари¹⁴ ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ташкил этади.

Ер қонунчилиги бузилишларини аниқлаш жараёнида прокуратуранинг асосий вазифаси қонун бузилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўсадиган тарзда таҳлил қилиш, айниқса ер ажратиш ва ундан фойдаланишнинг барча босқичларидаги қонунбузарликларни бартараф этиш, мансабдор шахслар томонидан берилган ноқонуний қарорларни бекор қилиш ва уларга нисбатан қонуний таъсир чораларини кўришдан иборат. Ер ажратиш

¹³ <https://lex.uz/uz/docs/-6445145> 01.05.2023 йилдаги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

¹⁴ <https://lex.uz/uz/docs/4378526>. 17.06.2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5742-онли Фармони.

Фармонда ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида 20 млн гектардан ортиқ, шу жумладан 3,2 млн гектар суғориладиган экин ер майдонларидан фойдаланиб, аҳолининг эҳтиёжи учун озик-овқат маҳсулотлари, иқтисодий тармоқлари учун зарур хом ашё етиштирилиши, суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида давлат дастурлари доирасида кенг қўламли ирригация ва мелиорация тадбирлари амалга оширилиши чора-тадбирлари тўғрисида.

<https://lex.uz/uz/docs/3225838> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3024-сонли Қарори.

Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги «Ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назоратини кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрларини юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5065-сонли Фармонини ижро этиш мақсадида қабул қилинган.

<https://lex.uz/uz/docs/360266> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 19.10.2004 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.

Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 15 октябрдаги ПФ-3502-сон Фармонини бажариш юзасидан қабул қилинган.



Date: 1st April-2026

жараёнида учраётган энг кўп қонунбузарликлардан бири – маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ер участкаларининг белгиланган тартибга зид равишда, аукционсиз ёки асослантирилмаган равишда ажратилиши ҳисобланади. Ер кодексининг янги таҳририга кўра, жисмоний ва юридик шахсларга ер фақат электрон аукцион орқали, тенг ҳуқуқли рақобат асосида берилиши шарт. Шу сабабли прокурорлар томонидан ер ажратиш тўғрисидаги қарорларнинг қонунийлиги, аукцион жараёнларининг шаффофлиги, иштирокчиларга тенг имконият яратилганлиги, ер тури ва мақсадли йўналишига риоя этилганлиги доимий назорат қилинади. Қонунчилик бузилишлари аниқланган ҳолатларда прокурор протести киритилади, ноқонуний қарорлар бекор қилинади ва ер участкаси давлат ихтиёрига қайтарилади.

Ердан мақсадсиз фойдаланиш ҳам энг кўп учрайдиган ҳуқуқбузарликлардан ҳисобланади. Фермер хўжаликлари, агрокластерлар ва бошқа субъектларга ажратилган ерларда агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, мажбурий экинларни жойлаштириш, суғориладиган ерларда сувдан оқилона фойдаланиш, ерни мутлақ фойдаланиб бўлмайдиган ҳолга келтириб қўймаслик тўлиқ назорат қилинади. Ердан мақсадсиз фойдаланиш ҳолати қайд этилганда прокуратура томонидан фермернинг ер хусусийлаштириш ёки фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш масаласи қўйилади, мажбурий тушунтириш ва тақдимнома киритилади. Бир қатор ҳолларда ер мутлақан экинсиз қолдирилган бўлса, ундан самарасиз фойдаланилган бўлса ёки ер қонадорлигига етказилган зарар аниқланса, айбдорларга маъмурий ва моддий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Ерни ноқонуний эгаллаб олиш ҳолатлари ҳам прокуратура назоратидаги асосий йўналишлардан биридир.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган сўнги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, ҳар қандай ҳудудда, айниқса ирригация тармоқлари, йўл муҳофаза зоналари, муҳофаза этиладиган табиат ҳудудлари, санитар ҳимоя зоналарида ноқонуний қурилиш, ўзбошимчалик билан ерни ўраб олиш, ҳеч қандай ҳуқуқий ҳужжатсиз фойдаланиш давлат манфаатларига катта зарар келтиради. Прокуратура бундай ҳолатлар бўйича текширув ўтказиб, ноқонуний қурилмаларни буздириш, ерни давлат ихтиёрига қайтариш, мансабдорларни жавобгарликка тортиш бўйича тақдимнома, протест ва буйруқ тарзидаги ҳужжатларни киритади.

Кадастр ҳужжатларининг бузилиши, маълумотларни сохталаштириш, ернинг тўғри тури ва майдонини акс эттирмаслик каби ҳуқуқбузарликлар ҳам прокурорининг диққат марказида туради. “**Давлат кадастрлари тўғрисида**”¹⁵ Қонун ва кадастрни рақамлаштириш бўйича янги қарорларга мувофиқ, барча кадастр маълумотлари ягона электрон базада юритилиши шарт. Прокуратура ушбу электрон маълумотларнинг ҳаққонийлиги, мансабдор томонидан уларга ноқонуний киритишлар бўлмаслиги, ўзбошимчалик билан майдон ўзгартирилмаслиги, ер

¹⁵ <https://lex.uz/uz/docs/29794> Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги Қонуни.



Date: 1st April-2026

тоифалари қонунга зид тарзда алмаштирилмаслиги буйича текширувларни амалга оширади. Бундай ҳуқуқбузарликлар иштирокчиларига нисбатан жиноят иши кўзгатилиши ҳам мумкин, чунки кадастр тузумининг бузилиши давлат ер фондига, солиқ тизимига ҳамда мулк муносабатларига жиддий зарар етказди.

Прокурор назоратини амалга оширишда асосий таъсир чоралари - протест, тақдимнома, огоҳлантириш ва маъмурий ишларни юритиш буйича рухсат беришдан иборат. Протест ноқонуний норматив ёки индивидуал ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилиш, унинг қонунга зид қоидаларини бартараф этиш буйича қўлланилади. Ерга оид масалаларда протест асосан ҳоким қарори ёки қарор лойиҳаси қонунбузарликка йўл қўйган ҳолларда киритилади. Тақдимнома эса ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган таъсир чорасидир. Прокуратура органлари ердан мақсадли фойдаланиш таъминланмаган, кадастр ҳужжатлари бузилган, аукцион қоидаларига риоя этилмаган ҳолларда тегишли идораларга тақдимнома киритиб, мансабдорларнинг масъулиятини белгилашни талаб қилади. Огоҳлантириш прокурор назоратининг профилактик усули бўлиб, ер муносабатларида қонунбузарликка йўл қўйиш эҳтимоли аниқланган вазиятларда мансабдор шахсларга қонунийликни таъминлаш тўғрисида расман эслатма беришни назарда тутди. Бундан ташқари прокуратура ердан норасмий фойдаланиш, ноқонуний қурилиш, ерни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатларида маъмурий иш кўзгатиш ҳуқуқига ҳам эга.

Прокурор назоратининг самарадорлигини таъминлашда янги технологиялар жорий этилмоқда. 2024–2025 йилларда давлат кадастр тизими тўлиқ рақамлаштирилиб, ер мониторинги дронлар, сунъий йўлдош маълумотлари ва геоахборот тизимлари асосида амалга оширила бoshladi. Бу эса прокуратурага текширувни аниқ далиллар асосида олиб бориш, ердан фойдаланиш ҳолатини реал вақт режимида кўриш, бузилишларни тез аниқлаш имконини беради. Масалан, суғориладиган ерларнинг кўриқ қолдирилиши, ер тоифасининг қонунга зид равишда ўзгартирилиши, ҳудудларда ноқонуний қурилишлар пайдо бўлиши каби ҳолатлар аниқ геолокация маълумотлари орқали мониторинг қилинади. Аниқланган ҳар бир ҳолат юзасидан прокурор назорат ҳужжатлари қўлланилади, ер ноқонуний эгаллаб олинган бўлса, суд орқали бекор қилинган ҳолда давлат ихтиёрига қайтарилади.

Прокурор назоратида аҳолининг мурожаатлари ҳам муҳим манба ҳисобланади. Ҳар бир мурожаат электрон реестрда рўйхатдан ўтказилади ва унинг кўриб чиқилиши устидан автоматик мониторинг олиб борилади. Фуқаролар томонидан ер тўғрисидаги низолар, ҳокимликларнинг ноқонуний қарорлари, ердан фойдаланишга боғлиқ муаммолар юзасидан келиб тушган мурожаатлар асосида прокурор текширувлари тайинланади. Фуқаролар ҳуқуқларининг бузилиши аниқланса, прокурор мансабдорларга нисбатан қонуний таъсир чораларини кўради, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш буйича қатъий қарорлар қабул қилади.



Date: 1st April-2026

Ерга оид қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш амалиётида прокуратуранинг суд ишларида иштирок этиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Прокурор судларда давлат манфаатларини ҳимоя қилади, айниқса ер давлат мулки бўлгани учун унинг ноқонуний хусусийлаштирилиши, ноқонуний ажратилиши ёки эгалланишига оид ишлар бўйича судга даъво киритиш, давлат манфаатларини тиклаш прокуратура зиммасидаги вазифалардандир. Судларда прокурор томонидан қонуний ҳужжатлар, кадастр маълумотлари, эксперт хулосалари асосида далиллар келтирилиб, ер ноқонуний тасарруфдан чиқарилган бўлса уни давлат ихтиёрига қайтариш таъминланади.

Шу билан бирга, прокуратура органлари ер ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги расмиятчилик, коррупция, манфаатлар тўқнашуви, ҳокимият ва мансаб мавқеидан суиистеъмол қилиш ҳолатларини аниқлашни ҳам устувор вазифа сифатида белгилаган. Коррупциявий хавф юқори бўлган соҳалар каторида ер ажратиш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, ер тоифасини ўзгартириш ва ерларни хусусий секторга бериш билан боғлиқ жараёнлар туради. Пўросурор ушбу соҳадаги ҳар бир қарорнинг қонуний ва асосланганлиги, манфаатлар тўқнашувининг йўқлиги, давлат манфаатларига зарар етмаслиги бўйича қатъий назорат ўрнатади. Коррупция аломатлари аниқланган тақдирда жиноят иши кўзғалиши – янги ислохотларда асосий мезон сифатида белгиланган.

2024–2025 йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли қонунчилик ислохотлари прокурор назоратининг мазмун ва шаклини тубдан янгиледи. Рақамли мониторинг, сунъий йўлдош назорати, электрон кадастр платформалари, аукционларнинг очиклиги ва қонунийлиги бугунги кун прокурор назоратининг асосий таянч нуқталарига айланди. Ерга оид қонунбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида прокурор назорат ҳужжатларининг аҳамияти янада ошган бўлиб, улар орқали ноқонуний қарорлар бекор қилинмоқда, ерлар давлат ихтиёрига қайтарилмоқда, мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилмоқда. Бу эса қўпчиликнинг ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинишини, ер ресурсларидан самарали ва қонуний фойдаланиш устувор тамойилга айланишини таъминламоқда.

